

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

133 - сон

2009 йил 18 сентябр

ОАТ «Алоқабанк» Кенгашининг

2009 йил 18 сентябрдаги

45 - сонли баённомаси

Кенгаш Раиси



*Aripov*

А. Арипов

## ОАТ «Алоқабанк» дивиденд сиёсати

### 1. Умумий қисм

1.1 Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (давлат рўйхати: 26.04.1996 й. №223-І) Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда акциядорлар ҳуқуқларини ва банкнинг молиявий барқарорлигини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2 Дивиденд – фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг банк ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

1.3 Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

1.4 Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

### 2. Дивидендларни тўлаш муддати

2.1 Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор банк кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

2.2 Дивидендларнинг миқдори банк кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

2.3 Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

2.4 Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг икки ой ичида қабул қилиниши мумкин.

2.5 Агар дивидендлар тўлаш оқибатида банкнинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш тақиқланади.

### 3. Дивидендларни тўлаш тартиби

а. Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

б. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби банк уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

с. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда банк мазкур акцияларни сақловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Банк рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган жамият захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан банк ихтиёрида қолади.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорлари томонидан олинган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.3. Акциядорлар реестридан олинган, эмитент томонидан тасдиқланган кўчирмалар ҳамда тўланган дивидендлар суммаси ва улар ёзилган сана тўғрисида акциядорлар банк бухгалтерияси берган маълумотнома айирбошлаш учун асос бўлади.

3.4. **Дивидендлар тўлаш мумкин бўладиган акциялар.** Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

3.5. **Тўланмаган ва олинмаган дивидендлар.** Банк акциядорларнинг умумий йиғилиши белгиланган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгиланган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ёзилади.

3.6. Банк эълон қилган дивидендларни тўлашни акциядор суд тартибда талаб қилишга ҳақлидир. Рад этилган тақдирда, банкга нисбатан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот бўлган деб эълон қилиш тадбири қўлланилади.

#### **4. Дивидендларни солиққа тортиш.**

4.1. Дивидендлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади. Давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида дивидендлардан солиқ олишда вақтинчалик имтиёзлар белгилаши мумкин.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги № ПФ-3831 сонли «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача қуйидаги имтиёзлар қўлланилиши белгиланган:

- а) юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;
- б) фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

4.3. Мазкур бандда назарда тутилган имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан

қўлланилади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги № ПҚ-56 сонли «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан, тижорат банклари акциялари (улушлари) бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиқ солишдан озод қилинади.

### **5. Дивиденд тўлашда бухгалтерия амалиётлари.**

5.1 Банк томонидан дивиденд тўлашда бухгалтерия амалиётлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқномасига (давлат рўйхати: 19.01.2009й. № 1885) асосан амалга оширилади.

5.2 Акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни ҳисоблаш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дт 31203-"Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" (йиллик дивидендларни ҳисоблашда),  
31206-"Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" (оралиқ дивидендларни ҳисоблашда);  
30903-"Умумий захира фонди" (фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича).

Кт 29822-"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар".

5.3. Акциядорларга дивидендлар тўланганда, қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дт 29822-"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар"

Кт 10101-"Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

5.4. Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк устав капиталини оширишга йўналтирилганда қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дт 29822-"Тўланиши лозим бўлган дивидендлар"

Кт 30315-"Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли" ёки

30318-"Чиқарилган устав капитали – Оддий" – акциянинг номинал қийматига;

Кт 30315-"Қўшилган капитал" – номинал қийматидан юқори суммасига.

### **6. Дивиденд сиёсатини амал қилиши**

6.1 Дивиденд сиёсати рўйхатга олинган кундан бошлаб амал қилади

6.2 Уш бу Дивиденд сиёсат амал қилиши билан 2009 йил 26 январда 73 – сон билан рўйхатга олинган эмиссия сиёсати ўз кучини йўқотади.

**ОАТ "Алоқабанк" бошқарувида  
кўриб чиқиб қабул қилинган  
2009 йил 18 сентябр  
54 - сонли қарор  
Бошқарув раиси**

\_\_\_\_\_ **К Ирисбекова**